

Йиринг ичишдан енгилроқ



08:02 / 29.11.2019 2504

Абдурраҳмон ибн Язиддан ривоят қилинади: «Ато Хуросоний билан сафарда эдик. У тунни билан намоз ўқиб чиқарди. Туннинг учдан бири ёки ярми ўтганда чодиридан туриб, баланд овоз билан бизни чақирар эди: «Эй Абдурраҳмон ибн Язид, эй Язид ибн Язид, Ҳишом ибн Ғоз, эй фалончи ва фалончи! Туринглар, таҳорат қилиб, намоз ўқинглар. Кечалари қоим, кундузлари соим бўлиш йиринг ичишдан, темир парчаларини ейишдан енгилроқ. Шошилинглар, тезроқ бўлинглар, нажот мана шунда!». У шундай деб, яна намозини ўқигани киришар эди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан